

## **ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРДА КҮРИНМАС ХУДУД ДА ЙҮЛ ТРАНСПОРТ ХОДИСАЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ**

**Исоханов Уткир**

*Тошкент давлат транспорт университети*

**Турдибеков Салохиддин**

*Тошкент давлат транспорт университети*

**Абдусаматов Эркинжон**

*Тошкент давлат транспорт университети*

**Аннотация:** Мақолада күринмас ҳудуд ва уни олдини олиши учун қуийидаги умумий қоидалар көлтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Күринмас ҳудуд, автомобиль, йўл-транспорт ҳодисаси.

Күринмас ҳудуд – бу ҳайдовчи томонидан автомобилнинг ҳаракат жараёнида назорат қила олмайдиган күринмас ҳудудлариридир. Автомобилни ташқи кўзгу ойналари ва пешойналар билан жиҳозланган бўлса ҳам, уларга тўлиқ ишониб бўлмайди. Улардан автомобилнинг орқасида нима содир бўлаётгани ҳақида тўлиқ маълумотни аниқлаштира олмайдилар, фақат умумий маънодаги тасаввурга эга бўла оладилар. Ҳаттоқи камера ўрнатилган автомобилларда ҳам кўриниш озми-кўпми чекланган бўлади.

Қуийидаги қоидага амал қилинг;

- ҳаракат йўналишида ва ён назарий кўриш чегараларида ҳаракатланиш жараёнини кузатиш;
- автомобильнинг ён ва орқасидаги ҳудудни ички ҳамда ташқи ён орқани кўриниш ойнаси орқали назорат қиласиз.



Аммо автомобиль орқасидаги ҳудуднинг бир қисми қўзгуларда кўриб бўлмайди ва уни доимий назорат қилиш жуда қийин. Бундан ташқари, автомобиль кузов тузулишида устунлар мавжуд, ушбу устунлар ортидаги ҳудудни назардан четда қолдириш мумкин яъни ён назар билан назорат қилиб бўлмайди.

Автомобилларнинг "кўринмас ҳудуди" қуийидагиларни ўз ичига олади:

- Автомобиль ташқарисида жойлашган ён ойналари орқали акс этадиган чегарасидан ташқари ҳудуд;
- ички кўзгуда акс этмайдиган автомобиль орқасидаги майдон;
- автомобиль кузов тузулишида олд устунлар орқасидаги тик ёпиқ ҳудуд.

Автомобилларнинг кузов тузулиши (конструкцияси) хусусиятларига қараб, кўринмас ҳудудлар хар хил бўлиши мумкин. Енгил автомобилларда кўзгу тизими орқали акс этадиган(кўринадиган) майдон ҳажмини қисқартирилган тарзда ишлаб чиқилган, аммо энг ёмони, ҳайдовчи ўнг орқа томонни, руль чамбараги ўнг томондаги автомобиллар учун чап орқа томонни назорат қилиб бошқаришdir.

Қыйидаги 1-расмда рақамлар билан масофаси (ёнлама ва оралиқ масофа) сантиметрда күрсатилған, манёвр хавфсиз деб хисобга олиб, ҳайдовчи буни баҳолай олмаслиги мумкин. Аввал сиз орқадан ҳаракатланаётган автомобильнинг олд қисмини ўнг ойнада күрасиз. Кейин, сиз уни бир неча сониядан сўнг ён ойна орқали кўришингиз мумкин, лекин баъзида бахтсиз ҳодиса учун бундай қисқа вақт ҳам кўплик қиласи. Шундай қилиб, автомобиль ён кўриш ойнасининг кўриниш майдонидан чиқиб кетиб, кўринмай қолади, бизда автомобильнинг кўринмас худуди ҳосил бўлади, лекин ҳали у сизнинг ён томонингизга етиб бормаган бўлади.



*1-расм. Кўринмас худуд чегараси*

Бундай ҳолда автомобиль деярли кўринмай қолади. Кўринмас худудда ҳаракатланган автомобиль йўл йўлакай тўқнашувни келтириб чиқариши мумкин. Бу жуда оддий содир бўлади: ҳайдовчи бошқа автомобилни қувиб ўтмоқчи бўлади (масалан, юк автомобилини олинг), кўзгуларга қарайди ва ҳаракатланаётган йўналиш ёки қарама-қарши йўналиш тасмасига ўзгартиради. Бироқ, бу вақтда сизнинг орқангиздан ҳаракатлаётган кўринмас худудда бўлган ҳайдовчи аллақачон қувиб ўтишни бошлаган бўлади.

Албатта, замонавий автомобиллар ақлли қурилмалар билан жиҳозланган. Бу хавфли маневрлар пайтида кўринмас худудларни кузатадиган ва хабар (сигнал) берадиган камералар ва сенсорлар мавжуд. Аммо бундай тизимлар барча

автомобилларда мавжуд эмас. Камдан кам ҳолларда ҳайдовчилар секинлашишга ва йўлни ўзгартиришга муваффақ бўлади. Аммо статистик маълумотларга кўра: агар автомобиль кўринмас ҳудудларга тушиб қолса, йўл транспорт ҳодисаси келиб чиқиши мумкин. Битта автомобиль билан тўқнашувдан қочишга уринаётганда, ҳайдовчи қўшни тасмада ҳаракатланиб қилаётган бошқа ҳайдовчиларни билан тўқнашиб кетиши мумкин бўлади.

Албатта, ҳаракат йўналишини ўзгартиришлар ва бурилиб кетишлар қулай ечим эмас. Аммо ҳар доим ҳар қандай маневр хавф эканлигини унутмаслик керак. Бунинг олдини олиш жуда оддий – кўринмас ҳудудларни кузатиш ишлари олиб бориш керак. Бунинг учун камералар, сенсорлар ва мураккаб тизимлар керак эмас. Агар бу енгил автомобиль бўлса, атрофга яна бир бор қарашга эринманг. Йўлда транспорт восилхталар оқимини шу тарзда кузатиш орқали сиз ўзингизни фалокатли ҳолатдан иложи борича ҳимоя қиласиз.

"Кўринмас ҳудудда" йўл транспорт ҳодисаларнинг олдини олиш учун қўйидаги умумий қоидаларга риоя қилиш тавсия этилади:

- ҳар доим бошқа ҳайдовчиларнинг тўсатдан бурилиши ва сигналларига эҳтиборсиз бўлманг;
- бурилиш тўғрисидаги сигналлари билан бошқа йўл фойдаланувчиларини маневрлар ҳақида ўз вақтида огоҳлантиринг;
- қайта тизилишда эҳтиёт бўлинг, ҳар бир йўл фойдаланувчисида "кўринмас ҳудуд" борлигини ёдда тутинг;
- бир оз вақт ажратинг ва ўзингизга максимум кўриниши учун автомобиль ён ойналарини созланг.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Судебная автотехническая экспертиза. Ч.2.-М.1980 г.- 491 с.
2. Основы трасологии-М.1974 г.- 240 с.
3. Методические рекомендации по производству автотехнической экспертизы, Кристи Н.М. М. ЦНИИСЭ, 1971г.
4. Қ.Х. Азизов: "Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари". Тошкент 2009.- 264 б.
5. O'G, J. R. Y. R., O'G'Li, A. E. X., & Hamroyevich, T. N. (2021). HAYDOVCHILARNI TAYYORLASHDA RAQAMLI O 'ZBEKISTON 2030 DASTURINI JORIY ETISH. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 749-754. <https://cyberleninka.ru/article/n/haydovchilarni-tayyorlashda-raqamli-o-zbekiston-2030-dasturini-joriy-etish>
6. E Abdusamatov, S Abruyev, N Tursunov (2022). Evaluate the Economic Efficiency of Fuel Consumption of Vehicles at an Intersection. Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science 1(3), 49-45. [https://scholar.google.ru/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=ZkfslzMAAA AJ&c](https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=ZkfslzMAAA AJ&c)

itation for view=ZkfslzMAAA AJ:eQOLeE2rZwMC

7. S Abruyev, E Abdusamatov, J Choriyev (2022). Impact of Technical Means on Road Traffic Accidents. Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science 1(3), 35-39.

[https://scholar.google.ru/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=ZkfslzMAAA AJ&citation\\_for\\_view=ZkfslzMAAA AJ:YsMSGlbocyi4C](https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=ZkfslzMAAA AJ&citation_for_view=ZkfslzMAAA AJ:YsMSGlbocyi4C)

8. Ў Исоханов, Э Абдусаматов, С Турдибеков (2022) ЕНГИЛ ВА ЮК АВТОМОБИЛЛАР ИШТИРОКИДАГИ ЙТХ ТАХЛИЛИ IJODKOR O'QITUVCHI 2 (24), 216-219.

<https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=4006704934648195081&btnI=1&hl=ru>

9. Ў Исоханов, Э Абдусаматов, С Турдибеков (2022) ПИЁДА ИШТИРОКИДА ЁНЛАНМА МАСОФА САҚЛАНМАСДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЙТХ ТАХЛИЛИ IJODKOR O'QITUVCHI 2 (24), 220-222.

<https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=5248013209937155638&btnI=1&hl=ru>